Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 25 июль 1974 йил, пайшанба ◆ № 174 (15.954). ◆ Баҳоси 2 тийин.

А. Н. КОСИГИН ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 23 июлда Кремлда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВДР бош министрининг ўринбосари Ле Тхань Нгини қабул қилди. Ле Тхань Нги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан ҳукуматлараро Совет — Вьетнам комиссиясининг биринчи мажлисида ВДР делегациясига бошчилик қилмоқда.

Дўстлик ва сидқидиллик вазиятида ўтган суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда совет томонидан — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, Вьетнам томонидан — ВДРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ву Туан иштирок этдилар.

(ТАСС).

ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ТБИЛИСИ, 24 июль. (ТАСС). Яман Халқ Демократик Республикаси Миллий фронти марказий комитетининг бош секретари, президентлик кенгашининг аъзоси, Олий халқ кенгаши доимий комитетининг раиси Абдил Фаттоҳ Исмоил бошчилигидаги Яман Халқ Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси бугун Тбилисидан ватанига жўнаб кетди. Делегация КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан СССРда расмий визит билан меҳмон бўлди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1974 йил 24 июлда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Пленум тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясига доир масалаларни қараб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди.

САБЗАВОТКОРЛАР ЯНГИ МАВСУМДА

Белгиловчи йил пахтакорларимиз сингари сабзавоткорларимиз, боғбонларимиз учун ҳам катта синов йилидир. Қишлоқ хўжалик илғорларининг республика қурултойида белгиловчи йилда 3 миллион 370 минг тонна сабзавот маҳсулотлари ва мевалар етиштириш мажбурияти қабул қилинган. Бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш ноз-неъмат бунёдкорларимизнинг муқаддас бурчидир.

Республикамиз меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида сабзавотчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда муайян муваффақиятларга эришди. Бунинг боиси бор. Калинин, Оржоникидзе, Самарқанд, Бўстонлиқ, Зомин, Оҳангарон ва бошқа районлар, ўнлаб колхозлар ва совхозлар картошка, сабзавот маҳсулотлари, мевалар етиштиришга ихтисослаштирилди. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялаштирилиши, комплекс механизациянинг бу тармоқларга кенг жорий этилиши, фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибасининг қўлланилиши маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Селекционер олимларимиз сабзавоткорларимиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, картошка, помидор, карам, пиёз, қовун, тарвуз ва бошқа экинларнинг сермаҳсул, эртапишар, узоқ вақт сақланадиган навларини яратмоқдалар ҳамда колхозлар ва совхозлар ишлаб чиқаришига жорий этмоқдалар.

Давлатимиз кейинги йилларда сабзавоткор хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлади, хилма-хил машиналар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қурилиш материалларини ҳар қачонгидан кўпроқ етказиб берди. Натижада хўжаликларда катта теплица, парник хўжаликлари қурилмоқдаки, бу билан аҳолини йил-ўн икки ой янги сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, эрта кўкламда ўтқазиш учун кўчатлар етиштириш имконияти яратилди.

Боғбонларимиз мевали боғлар, токзорлар майдонини кенгайтирмоқдалар, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналар гарданига ортиб, мевали дарахтлар ҳосилдорлигини оширмоқдалар. Республикамизда қовун ва тарвуз етиштириш тобора кўпайтирилмоқда. Тайёрланаётган ноз-неъматлардан Москва, Ленинград шаҳарларининг ишчи-хизматчилари, Қозоғистон ғаллакорлари, Сибирь ўрмончилари ва бошқа қон-қардошларимиз баҳраманд бўлиб, бунёдкорларга раҳматлар айтмоқдалар.

Республикамиз сабзавотнорлари, боғбонлари учун энг масъулиятли давр бошланди. Ҳамма жойда сабзавот маҳсулотлари, мева қийғос пишиб етилди ва тайёрлаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Республикамиз бўйича 22 июлга қадар, ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 27 минг тонна кўп сабзавот, 13 минг тонна кўп картошка маҳсулотлари тайёрланди.

Сурхондарё областининг меҳнаткашлари тайёрлов ташкилотларига йиллик планнинг 79 проценти миқдорида маҳсулотлар топширди. Фарғона областининг сабзавоткорлари 37,4 минг тонна ноз-неъматни аҳоли истеъмолига тақдим этди. Кўплаб районлар, колхоз ва совхозлар сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш йиллик топшириқларини бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортларига имзо чекди.

Картошка етиштириш ва тайёрлаш тобора кўпайтирилмоқда. Белгиловчи йилда бу тармоқ бўйича белгиланган план ва социалистик мажбуриятни бажариш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Картошка агротехника муддатларида парваришланмоқда. Ҳосилни йиғиштири

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАРОР ВА ИЖРО

КОММУНИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Партия йиғилиши қизғин тус олиб кетди. Унда ҳужжат алмаштириш муносабати билан коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтириш, шахсий ташаббускорлигини ўстириш хусусида гап борарди. Навбатдаги сўз КПСС аъзоси Фариза Ҳошимовага берилди.

— Бир синфда тўлиқ ўзлаштириш, ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий активлигига эришилгани ҳолда бошқа синфларда иш юришмаяпти, — деди нотиқ иккисиз ва икки йилликсиз ишлаш проблемасига тўхталиб, — Айрим синфларда ўқувчиларнинг 5-10 проценти ўзлаштирмаяпти. Бунинг сабаби нимада? Таълим-тарбия ишида муваффақиятга эришишнинг омиллари нималардан иборат?..

Коммунист берилиб сўзларди. Уни ҳамма эътибор билан тингларди. Чунки у педагогларимизни, ҳамма-ҳаммани ҳаяжонлантириб, ташвишлантириб келаётган фикрларни тилга олмоқда эди. Нотиқ мулоҳазасини давом эттириб, партия бюроси коммунистларга талабчанликни сусайтириб юборгани, партия йиғилишларининг таълим-тарбия савиясини кўтаришда коммунистларнинг авангардлигини ошириш ҳақидаги қарорлари бажарилмай қолаётганини таъкид қилди.

Партия қарорлари оғишмай бажарилишини назорат қилиш ғоят муҳим,бунга эришмас эканмиз, ишимизда оқсаш рўй бераверади.

Фариза Ҳошимованинг фикрлари коммунистларни ўйлантириб қўйди, кишиларда ўз ишига, ҳатти-ҳаракатига зимдан разм солиб кўриш эҳтиёжини уйғотди. Йиғилиш охирида ташаббускор педагог қолоқ 10-«А» синфига раҳбар қилиб ўтказишни илтимос қилди. Партия бюроси бу таклифни қондирди.

Шуни айтиш керакки, ёш коммунист ўз ваъдасининг устидан чиқди. Ота-оналарга, фан ўқитувчиларига, комсомол комитетига таяниб, улардан ёрдам олиб, таълим-тарбия жараёнида бурилиш ясади. Натижада ўқувчиларнинг 70 проценти ўрта мактабни битириш имтиҳонларини «4» ва «5» баҳоларга топширди. Ҳамма тўлиқ ўрта мактабни битирди.

Партия бюроси ўз адресига айтилган таниқ-диддан тегишли хулоса чиқариб олди. Ижрони ташкил этиш билан мунтазам шуғулланадиган бўлиб қолдик. Партия топшириқларини бажариш, КПСС Устави талабларига риоя қилиш масалалари бўйича коммунистларнинг ҳисоботини тинглаш ҳам яхши ёрдам берди. Бу уларда ташкилот олдидаги масъулиятни кучайтирди. Чунончи, коммунист Раҳим Тўлагановга комсомол ташкилоти фаолиятига раҳбарлик топширилган эди. У партия мажлиси қарорини бажара бориб, мактаб комсомол ташкилотининг таълим-тарбия ишини яхшилашдаги ролини оширишга муваффақ бўлди. Комсомоллар сафи ҳам ўсди.

Комсомол сиёсий ўқуви бўшашиб кетганда бюро бу масалани қизғин муҳокама қилиб, комсомол ташкилотига ёрдам бериш-га қарор қилди. Тажрибали педагог Ў. Толипов пропагандист қилиб тайинланди. Лекин у топшириққа масъулият билан қарамади, партбюронинг сиёсий ўқиш савиясини ошириш ҳақидаги қарорини бажармади. Аҳвол шу зайлда давом этиши мумкин эмас эди. Шунинг учун дарҳол камчиликнинг олди олинди, коммунист Ў. Толипов жиддий огоҳлантирилди. Шундан кейин у топшириққа муносабатини кескин ўзгартирди.

Дарҳақиқат, газета партия ҳаётининг муҳим соҳаси бўйича фикр олишув уюштириб, яхши иш қилди. Ошкора фикр алмашиш, тажриба билан ўртоқлашиш фойдадан ҳоли эмас. Шу ўринда бир мулоҳазани билдирмоқчиман. Гап қарор ижрочиси ҳақида боряпти. **Ташкилотимиз тажрибасидан шу нарса аён бўлдики, кўпинча қабул қилинган қарор бажарилмаслигига ижрочи аниқ кўрсатилмаслиги сабаб бўлади.** Тўғри, қарор бюрога, партком аъзоларига масъулият юклайди. Лекин қарор қабул қилинаётганида унинг айрим пунктларини конкрет кишиларга юклаш фойда бермасмикин? Шунда бюро ёки комитет масъул шахсдан ишнинг аҳволи учун жавоб талаб қилиши мумкин бўлар эди. Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз, дўстлар?

Қ. ТЎЛАБОЕВ,
Тошкент шаҳар, Ҳамза районидаги 230-мактаб партия бюросининг секретари.

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Партия ташкилотларида яхши анъана туғилган. Кўпинча йиғилиш бошланиши билан коммунистларга олдин қабул қилинган қарорларнинг ижроси ҳақида ахборот берилади. Бу ташкилотда ишчанликни кучайтириб, коммунистларни топширилган ишни муддатида бажаришга одатлантиради.

Лекин шу яхши тажриба ҳамма ерда қам кенг қўлланилмаётир. **Фикримча, қарорлар қандай бажарилаётгани билан ташкилот аъзоларини хабардор қилишни қонда тарзида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.** Ташкилот жанговарлигини кучайтиришда бу ниҳоятда муҳим деб ўйлайман.

О. СОБИРОВ,
Хоразм область Хонқа районидаги К. Маркс номли колхоз партия комитетининг аъзоси.

* * *

Коммунист Т. Бобоевнинг газетада эълон қилинган мактубини қизиқиб ўқиб чиқдим. Унда партия ҳаётининг муҳим масаласи кўтарилган. Шу муносабат билан мен ҳам кўпдан ўйлаб юрган айрим таклифларимни билдирмоқчиман.

Раҳбар партия органларидан хўжалик, маданий қурилиш, ташкилий-сиёсий ишларга таллаулқли қарорлар олиб турамиз. Уларни бажариш, шу мақсадда активнинг катта қисмини қўйилган вазифани амалга оширишга сафарбар этиш керак. Кўпинча худди шу ўринда муаммолар туғилади.

Аввало маълум бир қарор билан кимларни таништириш, керак? Шу саволга тез жавоб топиш қарорни қисқа муддатда оқилона бажариш имконини беради. **Мен партия органи ўз қарорини қўйи ташкилотларга — жўнатаётганида, уларга: «Партия-хўжалик активини таништириш учун», «Бюрода кўриб чиқиш учун», «Партия ташкилотлари секретарларини таништириш учун» сингари иловалар ёзиб қўйишни таклиф қиламан.**

А. ТОШМАТОВ,
Тошкент область, Оржоникидзе район партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири.

КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ: ҚУРИЛИШ БОШЛАНДИ

Москва чеккасидаги хушманзара жой — Черепковода СССР Медицина фанлари академиясининг Бутуниттифоқ кардиология маркази барпо этилмоқда. Бу мамлакатдаги энг диққатга сазовор қурилишларнинг биридир. Бу шифохона коммунистик шанбалик да ишлаб топилган маблағ ҳисобига қурилмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС кардиология фанини янада ривожлантириш учун бу маблағдан фойдаланишга қарор қилган эдилар.

22 июль куни қурилишда кардиология марказининг пойдеворини қўйишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Пойдеворнинг биринчи блоки ётқизилди.

Марказ қурилиши бошланишига бағишланган митингда сўзга чиққан нотиқлар коммунистик шанбалик маблағидан янги энг катта илмий марказни қуриш учун фойдаланиш совет халкининг фаровонлиги ва сиҳат-саломатлиги тўғрисида партия билан давлат қилаётган ғамхўрлик руҳи билан суғорилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин нутқ сўзлади.

Кардиология маркази кардиологиянинг энг зарур проблемаларини ҳал этишда турли соҳа олимларининг — назариячилар ва даволовчиларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга хизмат қилади. Орадан кўп йил ўтмай, Москва области манзарасини жуда яхши кўриш мумкин бўлган тепаликда 400 ўринли клиника корпуси қад кўтаради. Бу ерда диагноз қўйиш ва даволашнинг янги методлари ишлаб чиқиладиган бўлади. Бундан ташқари юрак, томир касалликларини ва уларга қарши кураш чораларини молекулалар ва ҳужайралар асосида ўрганувчи ўнлаб лабораториялар иш бошлаб юборадиган назарий корпус қад кўтаради. Бу ерда поликлиника биноси қурилади, шу поликлиника мамлакатимизнинг турли районларидан келадиган минглаб беморларга юқори малакали маслаҳат берадиган бўлади. Шунингдек юрак касалликларининг олдини олиш методларини ўрганувчи корпус ҳам қурилади.

(ТАСС мухбири).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ—ТАДҚИҚОТ МАВЗУИ

22 июль куни Тошкент шаҳар партия комитети ва меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш бўйича шаҳар кенгаши «Кадрларнинг марксча-ленинча ўқиши, иқтисодий таълими ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари» мавзуида илмий-амалий конференцияни ўтказди.

Асосий докладлар раҳбар ходимларнинг ғоявий-назарий савиясини оширишга, сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг таъсирчанлигига, илмий-техника революциясининг социал иқтисодий проблемаларига бағишланди.

Бир канча корхоналарнинг раҳбарлари, партия ходимлари, олимлар конференцияда сўзга чиқиб кадрларга иқтисодий таълим беришни ташкил этиш тажрибасини умумлаштирдилар, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси қўлланилаётган, корхоналар ишидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун кураш олиб борилаётган, ишлаб чиқариш фондлари структураси такомиллаштирилаётган шароитларда ўқишни кучайтиришнинг муҳимлиги тўғрисида гапирдилар.

(ЎзТАГ).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШОЛИКОР ВА ЧОРВАДОРЛАРИ КЕНГАШИ

НУКУС, 22 июль. (ЎзТАГ). Шоли қандай парвариш қилинмоқда! Беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йилида 137,9 минг тонна шоли етиштириш, гектар бошига ўртача ҳосилдорликни 37 центнерга етказишдан иборат юксак маррани эгаллаш учун нималар қилиш керак? Қорақалпоғистон шоликорларининг Нукусда бўлиб ўтган республика кенгашида ана шу ҳақда гаплашиб олинди.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов Автоном республика шоликорларининг вазифалари тўғрисида гапирди.

НУКУС, 23 июль. (ЎзТАГ). Бу ерда Автоном республика чорвадорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда гўшт, сут, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш юзасидан планлар ва мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари тўғрисидаги, шунингдек қишга ем-хашак тайёрлашнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов автоном республика чорвадорлари олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Совет Иттифоқининг гитлерчилар Германияси устидан қозонган жаҳоншумул тарихий ғалабасининг 30 йиллигини нишонлаш юзасидан ва меҳнаткашларни халкимизнинг қаҳрамонона анъаналари руҳида тарбиялашда ҳаваскорлар фильмларидан фойдаланиш мақсадида ВЦСПС президиуми, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош сиёсий бошқармаси, СССР Маданият министрлигининг коллегияси ва СССР Кинематографиячилари союзининг правленеси 1974 йил августидан 1975 йил майигача ҳаваскорлик кино санъатининг умумиттифоқ фестивалини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

(ТАСС).

ТАШАББУСКОРЛАР ЙЎҚЛАМАСИ

Ишчи сўзим

БИР САВОЛГА ТЎҚҚИЗ ЖАВОБ

Зиммага олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилмоқда? Навбатдаги сўз — Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Вера Солдатовага.

Мен бу саволга пойафзалчи Санд Раҳимовнинг жавобидан кейиноқ тайёргарлик кўриб қўйганман. Ўтган куни ишга келсам, бирдан мени телефонга чиқиришаётганини айтиб қолишди.

— Ўртоқ Солдатова, кечирасиз, баъзи бир ҳужжатларни тўлгазиш керак бўлиб қолди. Шошилинч бўлгани учун ўзингиздан сўраяпмиз. Биринчи беш йиллик топшириқларини қачон бажаргансиз?

— 1973 йилнинг июль ойида.

— Ҳозир қайси йил ҳисобига ишлаяпсиз?

— Шу ойнинг ўн учинчисидан бошлаб, 1978 йил ҳисобига маҳсулот топширяпман.

— Бу маҳсулотнинг қанчаси пландан ташқари?

— Бугунгача бўлган планга кўра 577 минг метрини ошиқчаси дейиш мумкин.

— Шогирдлар қалай?

— Устозидан ўзишяпти. Нурия Сулаймонова, Мария Позднякова, Нина Горинчинколарнинг ҳар бири кунига 1,5-2 норма иш бажаришмоқда. Ташаббус издошлари эса фабрикамизда 42 нафарга етди.

— Турдош касбларни эгаллаш-чи?

— Жуда яхши. Ўзим учта, шогирдларим 2 тадан турдош касбларни эгаллаб олганмиз. Бу ҳали кўп эмас, лекин ҳозирча ишнинг кетиши яхши...

Комбинат парткоми билан телефонда бўлган суҳбатимиз худди шу таҳлитда ўтди.

Эсимда, биз, тўқкизларнинг ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида маъқуллангандан кейин комбинатда йиғилиш бўлди. Йиғилишдан сўнг бир ёш ишчи ёнимга келиб:

— Вера опа, ташаббуснинг асл моҳиятини тушунтириб беролмайсизми, деб сўради.

Унга айтган гапим ҳали эсимда:

— Ташаббусдан мақсад — социалистик мусобақада актив қатнашиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни доимо кўпайтириб бориш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, топшириқларни барвақт бажариш ва яширинган ёт резервларни излаб топишга солишдир. Кам чиқим билан кўпроқ, яхшироқ ва арзонроқ маҳсулот бериш, бугун кечагидан, эртага бугунгидан баракали меҳнат қилиш ва беш йиллик топшириқларини барвақт уддалаш — буларнинг ҳаммаси шу куннинг талабидир. Булар эса сендан, мендан — ҳар бир ишчидан бутун резервларни, тажрибаларни ишга солишни талаб этади, — дея тушунтирдим мен.

Суҳбатдошим ўшанда жавобимдан қаноат ҳосил қилдим шекилли, ортиқча сўраб ўтирмади. У ўзининг ҳам шу ташаббусга қўшилиб зиммасига мўқобил план олишини айтди. Орадан ойлар ўтиб, кеча мен у қизни яна кўриб қолдим. Суҳбатлашдик. Ишидан ҳурсанд. Ҳозир ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган экан. Комбинат газетасида: «Тўқувчи Мария Асеева социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда» деб мақтаб ёзишди.

Чиндан ҳам бундай издошларимиз сафи тобора кўпайиб бормоқда. Кеча мастеримиз тўқувчи Нина Ершова ҳам 1977 йил меҳнат календарини очганлигини айтиб қолди. Хулласи, эндиликда биз кўпмиз. Аммо, барчамиз бир нарсани аниқ биламиз: тўққизинчи беш йиллик планларининг ошириб бажарилиши — келгуси беш йилликлар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз иқтисодий потенциалининг янада ортишида, халқимиз моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг юксалишида бу асосий негиздир.

Биз ҳозир комплектда тўрт киши ишлаймиз. Машҳур тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Қазанцева билан сменадошман. У маҳсулот ишлаб чиқаришда мендан тўрт ой олдинда боряпти. 1978 йилнинг апрель ойи учун ишламоқда. Мен январь ойи ҳисобига иш бошладим. Белгиловчи йилнинг биринчи ярмида 324,5 минг метр сифатли хом ашё тўқидим. Бунинг 26,2 минг метри пландан ташқари бўлди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига қадар 1978 йилнинг биринчи ярми топшириқларини бажариш мажбуриятини олдим. Бугунгача тўқиб чиқарган ғазламам уч миллионинчи метрга яқинлашиб қолди. Бу — ҳозиргача бўлган планимдан 577 минг метр кўпдир. Юбилей шарафига 780 минг метр қўшимча маҳсулот топшириш ниятим бор. Бунинг учун шу кунларда ҳар сменада 1000 метр ўрнига 2000 метрга етказиб, сифатли маҳсулот топширяпман.

Ишчи вақти — қимматли дақиқалар йиғиндиси эканлиги барчага маълум. Мен уларнинг ҳар минутидан рационал фойдаланишга, меҳнатга ижодий ёндашишга ҳаракат қиляпман. Мажбуриятимнинг тўла ижроси учун курашаяпман. Шу йўл билан ўз сўзимнинг устидан чиқишимга ҳам ишонаман. Бу менинг ишчи сўзим.

Абдумуталиб Мадумаров Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг Ленин орденли катта оператори. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун авж олдирилган социалистик мусобақага қўшилиб, фидокорона меҳнат қилмоқда. СУРАТДА: катта оператор А. Мадумаров.

В. Сироткин фотоси.

Қисқа хабарлар

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙИЛАБ

✦ НАМАНГАН

Бу ерда ҳисоб бўйича учинчи, янги троллейбус линияси монтаж қилина бошланди. Бу беш километрли маршрут шаҳар маркази билан Андижонга борилдиган автовокзални боғлайди. Ленин ордени кавалери У. Исмоилов бошчилик қилаётган монтажчилар бригадаси бу линияни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейига қадар фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар.

✦ ФАРҒОНА

Шаҳарнинг шаҳарлараро автомат телефон станцияси системасига Сибирь, Урал ва Россия марказидаги аҳоли яшайдиган катта группа пунктлари уланди. Энди телефонистканинг ёрдамисиз Новосибирск, Челябинск, Горький, Ленинград ҳаммаси бўлиб 28 шаҳарда яшовчи абонентни гаплашгани чақирса бўлади. Фарғона — Тошкент янги кабель линияси ётқизилгандан кейин эса шаҳарлараро телефон «географияси»ни анчагина кенгайтириш мумкин.

✦ РИШТОН

Чехословакиянинг Житков шаҳрига шу ерлик кулоллар — Мухтор Усмонов, Кимсан Ғанижонов, Ғайрат Ҳошимов тайёрлаган лаганлардан бир қанчаси юборилди. Бу кулолларнинг ҳаммаси яқинда ишга тушган бадиий керамика буюмлари заводида ишлашади.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТЕРМИЗ, 23 июль. (ЎзТАГ). Бу ерда Сурхондарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XV пленумининг якунларини ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида идеология ишини янада яхшилаш соҳасида область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди. Область партия комитетининг секретари Х. Холиёров доклад қилди.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ

Партия ва ҳукуматимиз болалар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Йилдан йилга болалар муассасалари, жумладан, боғча ва яслилар тармоқлари кенгайиб, уларнинг иши яхшиланиб бораяпти. Бу соҳада республикамизда ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар асосида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Кўпгина колхозлардаги мактабгача болалар муассасалари типовой биноларга жойлашган. Уларда тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бунга мисол қилиб Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Тошлоқ районидаги «Оқ олтин», «Ленинград», Қува районидаги «Коммунизм», Ромитан районидаги «Октябрь», Каттақўрғон районидаги Крупская номли ва бошқа бир қатор колхозлардаги болалар боғчаларини кўрсатиш мумкин.

Совхозларда ҳам болалар муассасалари ишини яхшилаш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида республика колхозларида 71,5 минг ўринли болалар муассасалари ташкил этилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида колхоз ва совхозларда 30525 ўринли боғча яслилар фойдаланишга топширилди. Бу соҳада Фарғона областида олиб борилаётган ишлар, айниқса, ибратли. Область партия ва совет ташкилотлари мактабгача болалар муассасалари бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бормоқдалар.

Айниқса, Наманган областининг Чуст райони ва Тошкент областининг Юқори Чирчиқ райони колхоз ва совхозларидаги болалар боғчалари ва яслилар фаолияти диққатга сазовор. Бу ерда болалар учун яхши шароит яратиб берилган.

Республикамизнинг қишлоқ жойларида мактабгача болалар муассасаларини қуриш ва уларнинг ишларини яхшилаш соҳасидаги ижобий тажриба яқинда Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида иттифоқчи республикалардан келган маориф, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларнинг ходимлари иштирокида ўтган мактаб-семинарда оммалаштирилди. Бу маориф, қишлоқ хўжалиги, мактабгача болалар муассасалари ва бошқа ташкилотлар томонидан шу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенгайганлигидан ва самарадорлиги ошганлигидан далолат бермоқда. Аммо, бу масалада мавжуд камчиликлар бартараф қилинди, деб бўлмайди.

ҚИЧКИНТОЙЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК — БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

Ўтган йили Республикамизда болалар боғча ва яслиларини қуриш учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш плани 87 процент бажарилди. Бу муассасаларни фойдаланишга топшириш плани эса 90 процент уддаланди. Шу муассасаларни қураётган 12 министрликдан ўнтаси қурилиш учун ажратилган маблағни ўзлаштириш планини бажармади. Шунга ўхшаш аҳвол бу йилнинг биринчи ярмида ҳам давом этмоқда. Республиканинг 15 министрлик ва идораларидан 12 таси болалар боғчалари ва яслилари қурилиши бўйича шу йилнинг беш ойлик планини бажармади. Булар ичида планни Қишлоқ хўжалик министрлиги 29 процент, Совхозлар министрлиги 66 процент, Енгил саноат министрлиги 49 процент, Озиқ-овқат саноати министрлиги 50 процентга бажардилар, холос.

Маҳаллий Советларга тегишли мактабгача болалар муассасаларининг қурилишида ҳам шундай аҳвол содир бўлмоқда. Қурилиш бўйича бу йилнинг беш ойлик плани республика бўйича 57 процент бажарилди, 12 областдан 11 тасида бу план бажарилмади. Ўтган йил ва шу йилнинг беш ойи бўйича энг паст кўрсаткичлар Сирдарё ва Наманган областларига тўғри келди. Болалар боғча ва яслиларини қуриш бўйича беш ойлик план Қашқадарё областида фақат тўрт процентгина бажарилди.

Мактабгача тарбия муассасаларини қуриш ишлари талабга жавоб бермайди. Бу объектлар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг шу йил беш ойлик плани республика Қурилиш министрлиги 73 процентга, Қишлоқ қурилиши министрлиги 75, «Главташкентстрой» 62 процентгагина бажардилар. Болалар муассасаларини қуриб фойдаланишга топшириш планларини адо этиш ҳам судралмоқда.

Болалар муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш масаласи партия ва ҳукуматимизнинг барча қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» мактабгача тарбия муассасаларини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туришлари лозим. Бирок, жойларда баъзи савдо ташкилотларининг раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор беришмаяпти.

Баъзи ҳолларда боғча ва яслиларнинг бошлиқлари озиқ-овқат маҳсулотларини бозор баҳосида сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар. Шеробод районидаги «Солнишко» болалар боғчаси шу йил 31 январда райподан 88 килограмм гўштнинг ҳар килограммини 3 сўм 50 тийиндан, 113 килограмм картошкаларнинг ҳар килограммини 45 тийиндан сотиб олишга мажбур бўлди.

Баъзи савдо ташкилотлари томонидан болалар муассасаларига сифати паст маҳсулотларни бериш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бундай фактлар Кўқон шаҳар озиқ-овқат савдо ташкилотида, Самарқанд областининг Оқтош шаҳридаги махсус магазинда содир бўлди.

Шу билан бирга баъзи мактабгача тарбия муассасаларининг раҳбарлари ҳам бу масалага етарли эътибор бермаяптилар. Масалан, Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 145, 466, 118, 471- ва бошқа бир қатор боғчаларнинг раҳбарлари райпишчеторгнинг махсус базаси ва магазинида сутқатиқ маҳсулотлари етарли бўлгани ва ҳатто бу маҳсулотлар учун пул тўлаб қўйилгани ҳолда уларни ўз вақтида олиб, болаларга бермаганлар.

Чилонзор районидаги 284- ва 288-болалар боғчаси текшириб кўрилганда, болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларидан уриб қолинаётганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш ҳоллар Риштон район нефть конига қарашли боғчада, Жарқўрғон районидаги биринчи боғчада, Фарғона районидаги Усмон Юсупов номли боғдорчилик совхозининг боғчасида ҳам рўй берганлиги аниқланди.

Мактабгача тарбия муассасаларида овқатланишнинг ташкил қилиниши ва унинг сифати устидан назорат бўшаштириб юборилган. Баъзи район санитария-эпидемиология станциялари бу масала устидан етарли назорат қилмаяптилар. Тайёр овқатларни ўз вақтида текшириб, калориясини таҳлил қилиб туриш йўлга қўйилмаган. Ўтган йили Нарпай, Жомбой, Фрунзе, Амударё ва Чимбой район санитария-эпидемиология станциялари боғча ва яслиларда озиқ-овқатларнинг сифатини текшириш ишига етарли муносабатда бўлмадилар.

Болалар боғча ва яслиларида медицина хизмати кўрсатиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Текширилган районлардаги баъзи болалар боғчаларига даволаш ташкилотларининг врачлари кам келадилар, болалар соғлиғини вақти-вақти билан чуқур текшириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

Болаларнинг сут ошхоналари масаласида ҳам бир қатор жиддий камчиликлар бор. Баъзи бир маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, соғлиқни сақлаш, совхозлар ва қишлоқ хўжалик министрликлари органларининг айби билан болалар сут ошхоналарини ташкил қилиш бўйича давлат топшириқлари кониқарсиз бажарилмоқда. Ҳозир республикада 1065 та ўрнига 238 болалар сут ошхоналари ишлаб турибди.

Болалар сут ошхоналари талабга жавоб берадиган бинолар билан таъминланмаётир. Бу ошхоналар учун янги бинолар жуда суст қурилмоқда. Масалан, Тошкентдаги Қорақамиш массивида барпо этилаётган механизация-лаштирилган сут ошхонасининг қурилиши «Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» тресті (бошқарувчиси ўртоқ Тоиров) ва шаҳар ижроия комитети капитал қурилиши бош бошқармасининг (бошлиғи ўртоқ Горбунов) айби билан ҳаддан ташқари чўзилиб кетди.

Яқинда болалар муассасалари бўйича текшириш материаллари бир қатор область, шаҳар ва район халқ контроли комитетларида муҳокама қилинди. Камчиликларга йўл қўйган болалар муассасаларининг бошлиқлари, маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқа органларнинг масъул ходимларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Болалар муассасаларининг ишини мунтазам яхшилаб бориш, уларнинг тармоғини янада кенгайтириш партия ва ҳукумат қарорларида кўрсатиб ўтилганидек маҳаллий совет, ижроия комитетлар, маориф, соғлиқни сақлаш органлари ва бошқа министрлик ҳамда идораларнинг биринчи даражали вазифасидир. Бу соҳа бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорларнинг изчиллик билан бажарилиши устидан назорат қилиб бориш халқ контроли органларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Т. ХОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг бўлим мудири.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

МАШИНА ТЕРИМИГА ШАЙМИЗ

Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози 100 та терим машинасини ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйди. Ҳар машинада 40 гектар майдоннинг пахтаси терилади. 16.500 тонна пахтанинг 15 минг тоннаси «заангор кема»ларда саранжомлаб олинади. Ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унуми 150 тоннани ташкил этади. Чеканка қизғин. Дефолиацияга тайёргарлик кўрилмоқда.

* * *

Совхозимиз деҳқонлари 4 минг гектар майдонда ғўза ўстирмоқдалар. План бўйича ҳар гектар ердан 32 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 12.800 тонна пахта топширишимиз керак. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига оширилган мажбурият қабул қилдик, ҳар гектар ердан 41 центнердан ҳосил олиб, она-Ватанга 16.500 тонна пахта топширамиз. Сўзимиз — сўз. Ҳар қандай шароитда ҳам социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз. Пахтакорларимизнинг ғайрат-шижоати, далаларда тўпланаётган мўл ҳосил шундан далолат бермоқда.

Пахтачиликни фан-техника ютуқлари, илғор тажрибаларга таяниб ривожлантирмоқдамиз. Чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини хилма-хил машиналар ва механизмлар гардонига ортмоқдамиз. Масалан, Белгиловчи йилда давлатга топширилиадиган ялпи пахтанинг 15 минг тоннасини машиналарда терамиз, қолган қисмини ҳам механизмлар воситасида саранжомлаб оламиз. Теримда қўл кучи ишлатмасликка қарор қилганмиз.

Пахтачилик бўлимлари, бригадалари, звеноларининг ҳаммаси механизация асосига қурилган. 56 та комплекс механизациялашган пахтачилик звеноси бор. Звено бошлиғи чигит экади, ғўзаларни парваришлайди, пахтани ҳам ўзи теради, ёрдамчиси унга кўмаклашади. Звенонинг бошқа аъзолари сувчилик қилади, ҳашаротга қарши дори сепади.

Мисол учун СССР Олий Совети депутати Энвер Алиев звеносини олиб кўрайлик, 65 гектар майдонда ғўза ўстиряпти. Гектаридан 50 центнердан пахта олади. Тайёрланадиган пахтанинг 300 тоннасини Энвернинг ўзи теради, 50 тоннасини ёрдамчиси теради. Абдусаттор Сулаймонов, Эбасан Абдул, Худойберди Тўйчиев, Маҳмуд Ҳусанов, Чачи Субҳи, Абдурайим Орзикулов, Сафо Избосаров, Сейтмер Куртмуллаев, Иқром Азизхўжаев каби звено бошлиқларимиз ҳам ана шундай ниятлар билан меҳнат қилмоқдалар. Звенолар аъзоларининг ҳаммаси терим машиналари ва бошқа техника воситаларини бемалол бошқара оладиган кишилардир. Биз улар билан фахрланамиз.

Йил оғирроқ келди, сув камоб бўлди. Мажбуриятимиз эса катта. Қийинчиликлар олдида саросимага тушмадик, ваҳимага берилмадик. Аксинча ички резервларни ишга солдик. 30 та насос ўрнатиб, зовурларнинг сувини пахтазорларга оқиздик. Сувдан кейин намни тўла сақлаб қолиш мақсадида универсалларга ҳар бирида қирқтагача ишчи органи бўлган ККО агрегатлари ўрнатиб, чуқур культивация ўтказдик. Органик ўғитлардан фойдаланишни кескин яхшиладик. Чорва фермаларидаги ўғитлар далаларга ташиб чиқарилди ва қатор ораларига солинди. Ҳозир ҳам «СУЗ» ёрдамида ўғит солиняпти, «шарбат» усулида оқизиляпти. Бу муҳим тадбирни давом эттираверамиз.

Шу кунга қадар учинчи комплекс парваришни тўла тугалладик. Ҳозир ғўзалар учинчи марта суғорилмоқда, 175 сувчи кунига 200—250 гектар ернинг ғўзасини қондириб суғоряпти, ишнинг сифатли бажарилишига алоҳида эътибор беряпти.

Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнати ўз самарасини кўрсатяпти. Ҳозир совхозимиз бўйича ҳар туп ғўзада 4—5 та кўсак бунёдга келтирилди. Ҳар гектар майдонда 110—120 минг туп ниҳол бор. Бир минг гектар ерга қўшқаторлаб чигит экканмиз. Уша майдонларда кўчатлар сони 140—150 минг тупни ташкил этади. Ғўзаларнинг бўйи 90—100 сантиметрга етиб, 11—15 та ҳосил шоҳи чиқарди. Усимлик касалликларга чалингани йўқ.

Бош вазифа эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан иборат. Ғўза парваришини пахта терими бошланғунча давом эттирамиз. Ҳар туп ғўзада 14—15 та бўлиқ кўсак бунёдга келишини таъминлаймиз, бирорта ҳосил нишонасининг тўкилишига йўл қўймаймиз.

Яқинда илғор бўлимларимиздан бирида семинар ўтказдик. Унда бўлим бошқарувчилари, бригадирлар, звено бошлиқлари, сувчилар, химизаторлар, шоферлар, тележкачилар — хуллас, ўн олти йиллик меҳнатимизга якун ясаймиз. Пахта терими — муваққат иш, деҳқонлар, хўжаликларнинг раҳбарларидан пухта тараддуд кўришни талаб этади. Ғўза парваришини сира сусайтирмаган ҳолда теримга тараддуд кўриб борган ва биринчи августгача техникани шайлаб қўйган деҳқонлар ва хўжаликлар ютади. Шундан кечикилса август ойида ҳосилга ҳосил кўшиш билан банд бўлиниб, қолган ишни битказиш анча қийинлашиб қолади.

Бу йил совхозимиз далаларида 100 та терим машинаси ишлайди. Уларнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилиб, синовдан ўтказилиб қўйилди. Шуниси диққатга сазоворки, механизаторлар терим даврида ўзлари бошқарадиган машиналарни ўзлари ремонт қилдилар ва синовдан ўтказдилар. Ҳар бир механик ҳайдовчига биттадан ёрдамчи бириктилди. Улар ҳам ремонт ишларида актив қатнашди.

Биз пайкалларни йил бошидаёқ механизаторларга бириктиб чиққанмиз. Ким қайси қартага чигит эккан бўлса ўша қартада ғўза парвариши ўтказмоқда, кузга борб ўша пайкалларнинг пахтасини ҳам ўзи теради. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар гектар майдонда 110 минг тупдан 150 минг тупгача кўчат бор. Механизаторларнинг муҳим вазифаси ана шу кўчатларни пахта йиғим-теримининг охиригача тўла сақлаб қолишдан, бирор тупининг нобуд бўлишига йўл қўймасликдан иборат. Уларига бириктилган карталарда социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўплаган, уни эрта пишириб, очилтириб олган, сортнинг юқори бўлишини таъминлаган механик-ҳайдовчилар (улар асосан звеноларнинг бошлиқларидан иборат) йил охирига борганда катта мукофот пули оладилар, бошқачасига айтганда звеноларнинг бошлиқлари бригадаларнинг бошлиқлари билан, бригадаларнинг бошлиқлари эса бўлимларнинг бошқарувчилари билан баравар иқтисодий манфаат кўрадилар.

Пахтачиликда центнер ўлчов бирлигидир. Илғари пахтакорларнинг меҳнатига ҳар гектар ердан олинган пахта миқдори ва сортига қараб баҳо бериларди. Энди унинг ёнига теримни машиналаштириш даражаси ҳам қўшилди. Бу мутлақо тўғри. Чунки кўп пахта етиштириш мумкин. Лекин вақтида йиғиб-териб олинмаса, сорт юқори бўлмай паст бўлса бундан пахтакор деҳқонга ва хўжаликка нима фойда? Биз шуни ҳисобга олиб, теримни комплекс механизациялашни биринчи ўринга қўйдик. Шуниси қувончликки, юқори ҳосилли бригадаларнинг бошлиқлари теримда қўл кучи ишлатмаслик ташаббуси билан майдонга чиқдилар.

Республикамизнинг донгдор механик ҳайдовчилари мавсумда 800—1000 тоннадан пахта териб, механизаторлик касбини шарафлаяпти. Биз уларнинг фидокорона меҳнатини қадрлаймиз. Совхозимизда ҳам донгдор механик-ҳайдовчилар сафи кенгаяпти. Бу йил 300 — 350 тонначи механизаторлар сони ўтган йилдагидан тенгма-тенг кўпаяди. Механизаторларимиз шундай шартни ўртага қўйиб, социалистик мусобақа шартномасини имзолашди. Шуни ҳам айтиш керакки, 150 тоннадан кам пахта терадиган бирорта механизатор бўлмайди. Бу ялпи меҳнат унумдорлигини кўтаришнинг муҳим омилидир.

Пахта теримига тайёргарлик ҳақида гап борганда дефолиация масаласини биринчи ўринга қўйиш керак. Дефолиация машина теримининг тақдирини ҳал қилади. Биз дефолиацияни сентябрь ойининг бошида — ҳар туп ғўзада 2—3 та кўсак очилганда бошлаймиз ва узоғи билан 10—12 иш кунида тугаллаймиз. Ялпи кўсакларнинг 70—75 процента очила бошлаганда ҳамма машиналарни ишга тушириб, ҳар куни йиллик планнинг 7 процентидан 10 процентигача пахта тайёрлаймиз. Белгиловчи йилда пахта йиғим-теримини узоғи билан 20 иш кунида тўла тугаллашга қарор қилдик. Эркак-аёл, кекса-ёш, ўсмир — ҳамма шундай яхши ният билан ишлаб, меҳнат қилмоқда.

Машиналарнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш учун ўқарик, шоҳариқлар, марзалар ҳам барвакт текислаб қўйилади, карталарнинг икки четида айланиш майдончалари ҳозирланади. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, тўкилган пахтани терадиган 60 та, кўсак чувийдиган 40 та агрегатларни ҳам тахт қилиб қўйдик. Бу йил 300 та тележкада пахта ташилади, ҳар куни давлат тайёрлов пунктларига ўртача 1000—1200 тонна «оқ олтин» етказиб берилади. Машиналарда терилган пахтанинг ҳаммаси юқори сортга топширилади.

Пахта терими даврида социалистик мусобақани кучайтириш чораларини кўрмоқдамиз. Бўлимлараро учта кўчма Қизил байроқ таъсис этдик. Бу байроқлар ҳар 10 кунда бериб борилади. Биринчи байроқ билан 2500 сўм, иккинчи байроқ билан 1800 сўм, учинчи байроқ билан 1300 сўм пул мукофоти берилади. Бу совхоз Устави қоидасига тўла мос келади.

Пахта тайёрлаш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятини совхозда биринчи бўлиб бажарган бўлимга 3000 сўм пул мукофоти берилади. Аммо шарт шуки, ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнердан кам бўлмаслиги керак. Мавсумда машинада 150 тоннадан ошириб пахта терган механик ҳайдовчилар 150 сўмдан мукофот пули оладилар. Бунда ҳам пахтанинг юқори сорт бўлиши, машиналарнинг тўхтовсиз ишлаши, пахта нобудгарчилигига йўл қўймаслик каби факторлар ҳисобга олинади.

Совхозимиз ишчилари ғўза парваришини қўзғин давом эттириш билан йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўрадилар, 16 ярим минг тонналик пахта бунтига ғалаба байроғини тикадилар.

Жўра ХОНАЗАРОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори

Жўра ҲАЙДАРОВ,
совхозининг бош инженери.

ПЛАНЕТАМИЗДА

Ливия Араб Республикаси маорифни ривожлантиришга катта эътибор беряпти. Мамлакатда ўқувчилар ва студентлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Триполи ва Бенгозидаги университетларда республикага зарур бўлган мутахассислар тайёрланмоқда. Суратда: Триполи университетининг талабалари. Ўқувчи ёшлар орасида хотин-қизлар борган сари кўпаймоқда. Улар мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар.

М. Михайленко фотоси, (ТАСС).

ТИНЧЛИК БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК

Жаҳон матбуоти халқ Польшасининг ўттиз йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарга ғоят қизиқиб қаради. Газеталар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Варшавада ПХР сейминнинг тантанали мажлисида сўзлаган нутқи тўғрисида батафсил хабар бермоқдалар.

◆ ВАРШАВА. «Трибуна люду» газетаси шуни таъкидлайдики, Польшанинг ўттиз йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарнинг энг асосий воқеаси бўлиб қолган Л. И. Брежневнинг нутқи жаҳон жамоатчилигининг жуда кенг доираларида зўр мароқ билан кутиб олинди. Чунки, бу нутқда СССРнинг ҳозирги дунё тўб проблемалари хусусидаги позицияси марксизм-ленинизм асосида баён этиб берилди.

«Бизнинг муваффақиятларимизда Совет Иттифоқининг роли жуда катта эканлигини, СССР билан иттифоқ Польшанинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун ва унинг муваффақиятли равишда социалистик йўлдан ривожланиши учун нақадар аҳамиятга эга эканлигини халқимиз яхши тушунади — деб ёзади сўнгра «Трибуна люду» газетаси, — СССР билан дўстлик бизнинг энг чуқур синфий, миллий ва давлат манфаатларимизга мос бўлиб тушади».

◆ БУДАПЕШТ. Венгрия Социалистик ишчи партиясининг марказий органи бўлган «Непсабадшаг» газетаси Л. И. Брежнев нутқини шарҳлаб бундай деб ёзади: «Кейинги вақтларда қардош партияларнинг идеология соҳасидаги ҳамкорлиги сезиларли равишда кучая бошлади». «Непсабадшаг» газетаси жаҳон коммунистик ҳаракатида янада маҳкамроқ ҳамжиҳатликка интилиш тобора активроқ намоён бўлаётганлигини таъкидлаб, яна бундай деб ёзади: «Ҳозирги вақтда кўпгина коммунистик ва ишчи партиялари янги халқаро учрашувларни тайёрлаш ва ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўймоқдалар. Бундай учрашувлар воқеаларнинг боришига бамаслаҳат баҳо бериш, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашнинг самарароқ йўлларини ва воситаларини топиш имконини беради».

◆ ПРАГА «Руде право» газетаси қуйидагиларни ёзади: «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари дастлаб Катовицеда, сўнгра эса Варшава, Польша сеймида нутқ сўзлаб, Польша ишчилар синфига катта эътибор берганлиги бежиз эмас. Худди ана шу ишчилар синфи янги социалистик давлат барпо этишнинг жонитани бўлди. Поляклларнинг кўпгина авлодлари ана шу давлат тўғрисида орзу қилган эдилар».

◆ СОФИЯ. «Работническо дело» газетаси бундай деб ёзади: «ПХРнинг 30 йиллиги байрамида Л. И. Брежнев иштирок этганлиги ҳозир Польша диёрида ўтаётган тантаналарга алоҳида аҳамият бахш этди». Газета Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатлар билан ҳамжиҳатлик ва жипсликка қаратилган йўлни изчиллик билан амалга ошириб келаётганлиги туфайли ПХР социалистик ҳамдўстликнинг мустаҳкам бўғинига айланди, деб таъкидлайди.

◆ ЛОНДОНда чиқадиган барча етакчи газеталар КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқи тўғрисидаги хабарларни биринчи саҳифаларда эълон қилиб, Л. И. Брежнев Кипр ишларига ажнабийларнинг ҳарбий йўл билан аралашишига чек қўйишга даъват этди, деб ёзмоқдалар. «Гардиан» газетаси қуйидагиларни ёзади: «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари воқеалар учун жавобгарликни НАТОнинг муайян доиралари зиммасига юклаб, барча социалистик мамлакатлар номидан Кипрнинг ички ишларига ташқаридан бўлаётган ҳарбий аралашувга чек қўйишни ҳамда мустақил суверен давлат сифатида республиканинг ҳолатини грек агрессияси бошлангунгача бўлган пайтдагидек тиклашни қатъиян талаб қилади».

◆ БОННН. «ПХР сеймининг тантанали мажлиси — деб ёзади «Франкфуртер альгемайне» газетаси, — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг муҳим нутқи белгиси остида ўтди». «Генераль — Ансайгер» газетаси типч-тотув яшаш принциплари асосида сўнгги вақтларда халқаро кескинликни юмшатиш йўлида катта қадам қўйилганлигини таъкидлайди.

◆ ПАРИЖ. «Л. И. Брежневнинг нутқи, — деб ёзади «Юманите» газетаси, — шундан далолат берадики, СССРнинг бутун куч-ғайрати қуролсизланишга ва халқаро кескинликни юмшатишга қаратилгандир».

Кўпгина газеталар Л. И. Брежневнинг Европада сиёсий муҳитни шакллантиришда Франция билан ГФР муҳим роль ўйнаётганлиги тўғрисидаги сўзларини алоҳида бўрттириб ёзиб, СССР Франция президенти В. Жискар д' Эстен билан ГФР федерал канцлери Г. Шмидтнинг улардан олдин ўтган узоқ кўрувчи арбобларнинг халқаро кескинликни юмшатиш манфаатлари йўлида қилган ишларини сақлаб қолишга ва кўпайтиришга қатъий ният билан қайд қилишини таъкидлаб ўтмоқдалар.

◆ НЬЮ-ЙОРК. «Нью-Йорк таймс» газетаси Л. И. Брежнев нутқини «ташқи сиёсат соҳасида ҳам муҳим баёнот» деб ҳисоблаб, нутқда баён қилинган ва халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини кучайтиришга қаратилган конкрет таклифларга алоҳида эътиборни жалб этади.

«Вашингтон пост» газетаси бундай деб ёзади: Ўрта денгиз районида кескинлик кучайиб бораётган ҳозирги вақтда Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи ва Америкининг ядро қуролини эгалловчи барча кемалари ва сув ости кемаларини Ўрта денгиздан олиб чиқиб кетиш тўғрисида ўртага қўйган таклифи айниқса муҳимдир.

(ТАСС).

КИПРНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

ПАРИЖ, 24 июль. (ТАСС). Никозиядан олинган хабарларга қараганда, ҳарбий исён натижасида ҳокимият тепасига келган Кипр «президенти» Самсон истеъфо берган. Кипр вакиллар палатаси (парламент)нинг раиси Глафкос Клиридис Кипрнинг янги президенти вазифасини ўз зиммасига олган.

Кипрнинг Париждаги элчихонаси вакили қуйидагиларни айтди: Г. Клиридис президент лавозимини «вақтинча» эгаллаганлигини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасига ва БМТнинг Кипрда тинчлик ўрнатувчи кучлари қўмондонига маълум қилди. Вакил «бу чора архиепископ Макариоснинг қайтиб келиши учун йўл очиб беради», деган фикрни изҳор этди.

ГРЕЦИЯ ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

АФИНА, 23 июль. ТАСС мухбири В. Сафонов хабар беради: Бу ерда А. Андруцопулос ҳукумати истеъфо берганлиги расмий суратда эълон қилинди. Афина ҳарбий режими Кипрдаги танглик рўй бергунига қадар бу ҳукуматни тамомила қўллаб-қувватлаб келган эди. Айни вақтда қуролли кучлар қўмондонлиги «халқаро характердаги сабабларга кўра» ва «мамлакат дучор бўлган вазият туфайли» давлатни бошқаришни граждан ҳукумат ихтиёрига топширишга қарор берганлиги ҳам эълон қилинди.

Бу қарорлар министрлар, қуролли кучларнинг вакиллари ва буржуа оппозицияси раҳбарларининг иштироки билан ўтказилган ва узоқ давом этган кенгашда қабул қилинди. Кенгашда ҳарбийлардан Греция қуролли кучлари бош қўмондони Бонанос, армия қўмондони Галаҷаносс, ҳарбий денгиз кучлари қўмондони Арапакис, ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони Папаниколау қатнашди. Ғарб информация агентликлари мухбирларининг олган маълумотларга қараганда, кенгашда 3-армия корпусининг командири генерал Давос ҳам ҳозир бўлди. Рейтер агентлигининг хабар беришича, бу генерал кеча Грециянинг шимолида армия қисмларининг ҳукуматга қарши ўтказилган харакатига бошчилик қилган.

Ҳокимиятнинг граждан ҳукуматига топширилиши тўғрисидаги хабарни Греция халқи ҳурсандчилик билан кутиб олди. Расмий хабар эълон қилинганидан кейин бир неча минут ўтиши билан шаҳар кўчалари неча минглаб афиналиклар билан тўлди. Пойтахтда автомобиллардан тўхтовсиз сигнал берилмоқда. Бу сигналлар аҳоли ҳукуматдаги ўзгаришни тасдиқлаётганлигини билдиради.

ПАРИЖ, 23 июль. (ТАСС). Францияда сиёсий муҳожир бўлиб истиқомат қилаётган Грециянинг собиқ бош министри К. Караманлиснинг вакили қуйидагиларни айтди: Греция президенти Гизикис Карманлисга Грециядан кайтиб, граждан ҳукумати бош министри лавозимини эгаллашни таклиф қилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПРАГА. Братиславадаги В. И. Ленин музейини уч ой мобайнида 25 мингдан зиёд киши келиб кўрди. Бу музей жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси туғилган кунинг 104 йиллиги арафасида реконструкция қилинганидан кейин қайтадан очилган эди. Доимо янги материаллар билан бойиб бораётган музей экспозицияси — В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи, КПСС билан Чехословакия Коммунистик партиясининг тарихи ҳамда уларнинг биргаликдаги курашини ёритиб берувчи нўлдан-нўл ҳужжатлардан, китобларнинг фотографияларидан иборат.

◆ ГАВАНА. «Амадео Рольдан» театри биносида Куба маданияти миллий кенгаши томонидан ташкил қилинган «Дўстлик фестивали» очилди. Бу фестиваль қуролли қўзғолон кунининг нишонланишиб келаётган 21 йиллигига бағишланган. Фестивалда Кубада шуҳрат қозонган хонандалардан ташқари СССР ва бошқа социалистик мамлакатлардан келган хонандалар ҳам иштирок этмоқда.

◆ СОФИЯ. Болгария Халқ Республикасининг миллий радио эшиттириш тармоғи яна бир радио марказига эга бўлди. Видин шаҳрида ўрта тўлқиндаги янги радио станция ишлай бошлади. Қурувчилар билан радио ходимлари бу радио станцияни Болгарияда социалистик революциянинг 30 йиллиги шарафига ишга туширдилар.

(ТАСС).

ЭФИОПИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ЯНГИ БОШЛИҒИ

АДДИС-АБЕБА, 23 июль. ТАСС мухбири А. Осипов хабар беради: Эфиопияда қуролли кучларнинг талабига мувофиқ ҳукумат бошлиғи ўзгартирилди. Император Ҳайле Селассие I истеъфо берган Энделкачеу Маконнен ўрнига таниқли сиёсий арбоб Микаэль Имруни яни бош министр қилиб тайинлади. Микаэль Имру кейинги тўрт ой мобайнида бош министр маҳкамасида иқтисодий ва социал ишлар билан шуғулланувчи министр лавозимини эгаллаб келган эди.

АНГОЛАДА ҲОКИМИЯТ ҲАРБИЙЛАР ҚЎЛИГА ЎТДИ

ЛИССАБОН, 24 июль. (ТАСС). Анголада бутун ҳокимият ҳарбий маъмурларнинг вакиллари қўлига ўтганлиги бу ерда эълон қилинди. Махсус комиссия Анголага бориб келганидан кейин Португалия ҳукумати шу ҳақда қарор қабул қилди. Махсус комиссия Анголанинг маъмурий марказ Луандада осойишталикни тиклаш мақсадида кескин чоралар кўришни тавсия этган эди.

Оқ танлилардан иборат ўнг экстремистлар Африканинг Португалия назоратида бўлган ана шу территориясида мустамлакачиликнинг тугатилишига халқнинг бериш мақсадида ўтган ҳафтада Луандада ирқий тўқнашувларни уюштирган эди. Игвогарлик мақсадида ўтказилган ана шу тўқнашувда 54 киши ўлдирилди, икки юзга яқин киши жароҳатланди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҚАТЪИЯТИ

Капиталистик мамлакатларда синфий жанглар кучайиб бормоқда. Турли давлатлардан олинаётган хабарларда ўтган йилги забастовкаларда меҳнат аҳлининг иштирокига доир якунлар тўпланган.

Меҳнат министрлиги эълон қилган расмий маълумотларга қараганда, 1973 йилда Францияда икки миллион 246 минг ишчи ва хизматчи иш ташлаган. Забастовка курашида 36 минг корхона ва муассаса меҳнаткашлари қатнашганлар. Касаба союз ташкилотларининг маълумотларига кўра, 1973 йилда Испанияда 810 забастовка бўлган. Бу забастовкаларда меҳнаткашлардан 440 мингдан ортиқ киши қатнашган. Бу — Испанияда ёлланиб ишловчи кишиларнинг 6 процентини ташкил этади.

Ишчилар, хизматчилар ва деҳқонлар бу йил ҳам ўзларининг ҳаққоний талабларини қондириш учун курашни давом эттиришга қатъий қарор берганлар. Фукусима префектурасидаги Огоэ шахтаси кончиларидан 40 киши бир ойдан бери иш ташлашмоқда. Шу йил кўклами кураш вақтида корхона эгалари иш ҳақини ошириш масаласини кўриб чиқишга розо бўлган эдилар. Аммо улар кейинчалик ўз ваъдаларидан қайтдилар. Шундан кейин шахта ишчилари касаба союзи қонунлари ўз талаблари қондирилмагунча забастовкани давом эттираверадилар, деди.

Сицилия оролидаги Милаццо нефтни қайта ишлаш заводи ишчиларидан 1.300 кишининг забастовкаси давом этмоқда. Бу — корхона эгаларининг ишлаб чиқаришни қисқартириш зарур деган баҳона билан ишчиларни ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорига қарши чиқмоқдалар. Алоқа воситалари ишлаб чиқарадиган «Сочиета Итальяна пер телефони» бирлашмасидаги 30 минг ишчи ҳам ишдан бўшатилиш хавфи остида қолди. Иоганнесбургдан олинган хабарларга қараганда, бу ерда пўлат эритиш корхоналари ва бошқа бир канча саноат тармоқларидаги африкалик ишчиларнинг забастовкаси давом этмоқда. Ишчилар иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш учун курашмоқдалар. Иоганнесбург компанияси меҳнаткашларнинг ҳаққоний талабларини қондириш бўйин товлаганликлари натижасида иш ташловчилар билан шу компания эгалари ўртасида олиб борилган музокаралар ҳеч қандай натижа бермади. Жанубий Африка Республикаси касаба союзлари кенгаши раҳбарларидан бири Роберт Крафт Жанубий Африка Республикасида ҳозирги пайтда забастовка кураши кучайиб кетганлигини таъкидлаб, бу кураш маъмурларни «ташвишга солувчи сигнал» бўлиши лозим, деди.

Ғарбий Германиянинг Шлезвиг — Гольштейн ўлкасида 5 мингдан ортиқ деҳқон йирик аграр ва саноат монополияларининг қишлоқ хўжалик соҳасида ўтказиб келаётган сиёсатига қарши норозилик намойиши ўтказди. Деҳқонлар қишлоқ хўжалик машиналари ва сунъий ўғит нархларининг ҳаддан ташқари оширилишига чек қўйишни талаб қилдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги

Қашқадарё области ҳафталиги

ЮТУҚЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилаётган область кунлари давом этмоқда. Республика пойтахтига бу сафар қашқадарёлик чўлқуварлар, пахтакорлар, чўпонлар, пиллакору боғбонлар ташриф буюришди. Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг алоҳида павильонида қашқадарёликлар йиллар давомида қўлга киритган ютуқларини кўз-кўз қилмоқдалар.

Ютуқлар кўриги намойиш этилаётган залга киришингиз билан чеҳрасида табассум балқиб турган меҳнат қаҳрамонларининг фотопортретларига кўзингиз тушади. Улар орасида Карл Маркс номли совхознинг ғаллакори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Стрельцова, Косон районидаги Ленин номли совхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳолиёр Даминов, Энгельс номли колхоз раиси М. Узоқова, шу хўжаликнинг пахтачилик бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Тошева, шаҳрисабз-лик механизатор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳолиқул Маҳаммадиев ва бошқалар бор.

Қашқадарё республикамизнинг истиқболи порлоқ областларидан. Областнинг турли бурчакларида катта-кичик қурилишлар қизғин давом этмоқда. Шулардан бири Қарши магистрал канали бўлиб, бугунги кунда Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши номини олиб турибди. Канал қурилишида қарийб 40 миллат вакиллари бир оила фарзандидек меҳнат қилмоқда. Амударё сувини Қарши даштига оқизилиши билан яқин келажакда 300 минг гектардан зиёд янги йирик пахтачилик райони барпо этилади. Бу борада дастлабки қадам қўйилди. Чўли Бегимқулов номли совхоз чўл қалдирғочи тимсоли бўлиб турибди. Янги хўжаликда ўзлаштирилган 20 минг гектар майдонда улкан хирмон уйиш учун курашилмоқда.

Областда 68 саноат корхонаси мавжуд. Қашқадарёликлар завод ва корхоналарда ишлаб чиқарётган маҳсулотлардан намуналар келтирилган. Кўргазмада турли тақинчоқлар ва заргарлик буюмлари, яккабоғлиқ ва китоблик боғбон-соҳибкорлар етиштирган ноз-неъматлар, Шаҳрисабздаги сут-пишлоқ заводи маҳсулотлари, Шаҳрисабз гиламдўзларининг поёндозлари, керамика заводида қўлга киритилаётган ютуқлар намойиш этилмоқда. Айниқса, Муборак газни қайта ишлаш заводининг умумий кўриниши диққатга сазовор. Томошабинлар булардан ташқари Қашқадарё маданият ва санъат, маориф йил сайин камол топаётган областлардан эканлигининг шоҳиди бўладилар.

Қашқадарёлик меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор ерларида бўладилар. Кеча кўргазма тантанали очилган кун меҳмонлар В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилдилар. Бугун эса саноат корхоналарида бўладилар. «Ўзбекфильм» киностудияси ҳамда Санъат музейини бориб кўрадилар. Эртага Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик катта театри санъаткорлари билан учрашадилар. Қашқадарё кунларига бағишланган кўргазма тошкентликларда яхши таассурот қолдирмоқда.





Суратларда: Қарши магистрал канали насос станцияларидан бирининг макети (юқорида) ва Шаҳрисабз гиламлари.

И. Глауберзон фотолари.

МАКРИД ДУРДОНАСИ

Экинзорларимизнинг бир томони Ҳисор, бир томони эса Зарафшон тоғ этакларигача туташиб кетган. Районимизда кўплаб уста пахтакорлар, миришкор боғбонлар етишиб чиқмоқда. Китоб райони довруғини иттифоққа маълум ва машҳур қилган уларнинг яратувчилик меҳнатидир.

Бободеҳқонларимизнинг юбилей йилидаги аҳди катта. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи шарафига ўз зиммаларига шарафли мажбуриятлар олиб меҳнат қиляптилар. Шу кунларда пахтазорларда, сабзавот пайкалларида, боғларда ана шу мажбуриятни ошириб бажариш учун меҳнат ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юборилган.

Пахтакорларимиз ўн минг гектар майдонда ғўза ўстиряптилар. Деярли барча хўжаликларда, бригадаларда ғўзаларнинг ривожи ва авжи яхши. Пахтакорларимиз тажрибали деҳқонлар, мутахассисларнинг қимматли маслаҳатларига қатъий амал қилган ҳолда ғўзаларга сифатли ишлов беряптилар. Ҳозиргача барча майдонлардаги ғўзалар икки марта суғорилди, уч марта озиқлантирилди ва тўрт марта культивациядан чиқарилди.

Бу йил сув танқислиги ҳар қачонгидан ҳам сезиларли бўлди. Ана шу қийинчиликларни енгиш учун бир қанча тадбирлар амалга ошириляпти. Сувдан оқилона фойдаланиш, сувни тежаб-тергаб ишлатиш чоралари кўрилмоқда. Артезиан қудуқлари, зовур ва коллекторларнинг сувидан фойдаланиляпти. Ғўза табақалаб суғориляпти. Айрим жойларда ғўзалар эгат ташлаб об-ҳаётга қондириляпти.

Бундан бир неча йил муқаддам қарийб 16 минг гектар майдонни эгаллаб ётган серунум Макрид массивини ўзлаштиришга киришилган эди. Бугунги кунда бу массивга каналлар орқали сув келтирилди. Ҳозир массивда ўнлаб бригадалар ишлаб турибди. Бу бригадаларнинг пахтакорлари 4 минг гектардан зиёд майдонда деҳқончилик қиляптилар. Макрид районимизнинг келажаги, йирик-минг тонналаб пахта, кўплаб мева ва узум демакдир. Шу сабабли Макрид массивини ўзлаштириш кенг кўламда давом этяпти.

Районимиздаги Карл Маркс номли, Куйбишев номли колхозларнинг пахтакорлари юбилей йилида ҳар гектар майдондан 42 центнердан дурдона етиштириш иштиёқида меҳнат қиляптилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исмиддин Раҳмонов, СССР Олий Советининг депутати Мукаррам Эшонқулова, шунингдек, Назим Хидиров, Самон Орзиқулов, Шаҳри Воҳидова, Қудрат Қаюмов, Норчучук Қораева каби пахта усталари етакчилик қилаётган ўнлаб бригадаларнинг «оқ олтин» ижодкорлари ҳосилдорликни гектар бошига 45-50 центнерга етказиш аҳди билан ишламоқдалар. Районимиз пахтакорлари йил бошида қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашида ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Далаларда мўл ҳосилга пухта замин ҳозирланаётганлиги ва ҳосил чўғи ҳисобга олиниб, юбилей йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш ва республикамизнинг улкан хирмонига 40 минг тонналик ҳосил билан ҳисса қўшиш мажбуриятини олдик.

Бундан ташқари районимиз миришкорлари юбилей йилида 18 минг тонна сабзавот, 10300 тонна узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш мажбуриятларини олиб ишламоқдалар. Ихтисослаштирилган «Китоб» совхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Фазилат Меликова ҳар гектар ердан 40 тоннадан сабзавот, Атам Вардиашвили бошлиқ боғдорчилик бригадаси соҳибкорлари эса ҳар гектар майдондаги токзордан 22 тоннадан узум етиштириш мажбуриятини олганлар.

Илгари районда фақат шағал саралаш заводи бор эди. Бу завод кам қувватга эга бўлиб, фақат Китоб ва Шаҳрисабз районлари территориясидаги қурилишларни шағал билан таъминларди. Кейинги пайтда заводда янги техника ва ускуналар ўрнатилди, у йирик комбинатга айлантирилди.

Бир кунлик деган жойдан оқ-қўнғир ва қора мармарнинг жуда катта запаси топилган эди. Ҳозир бу ерда мармар ишлаб чиқарадиган комбинат ишлаб турибди. Китоб мармари республикамиз пойтахтида қурилаётган метро станцияларини безашда қўлланилади, иттифоқимиздаги кўплаб санъат кошоналари, маъмурий биноларга сайқал беради.

Бундан ташқари Шаҳрисабздаги «Хужум» бадиий буюмлар фабрикасининг филиали ишлаб турибди. Маҳаллий саноат комбинатида шойи ва бекасам тўқиш йўлга қўйилди.

Районимиз территориясида буюк астроном Улуғбек номи билан аталадиган кенглик станцияси жойлашган. Бу станция жаҳондаги 5 та ана шундай кенглик станцияларининг биридир. Станциянинг иши билан танишиш учун жаҳоннинг турли мамлакатларидан олимлар, астрономлар келиб туришади.

Районимиз билан туташиб кетган Шаҳрисабз шаҳрига сайёҳлар тез-тез келиб туришади. Четдан келадиган сайёҳларнинг кўп қисмини қабул қилиш Китоб райони зиммасига тушади. Шунинг учун Зарафшон тизма тоғлари ён бағрида Катта Ўзбектракти бўйида Мингчинор деб номланган дам олиш зонаси қурилиши бошлаб юборилди. Бултур бу фусункор ва боғ-роғлар билан бурканган жойда ресторан, совғалар магазини, меҳмонхона, фойдаланишга топширилган эди. Тоғ булоқларидан водопровод орқали ичимлик сув келтирилди. Фавворалар қурилди. Республика ҳукумати Мингчинор дам олиш зонасини янада кенгайтириш мақсадида меҳмонхона, сув ҳавзаси, бир неча ўнлаб коттеж типидаги уйлар ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилиши учун қарийб икки миллион сўмга яқин маблағ ажратди. Яна икки-уч йилдан сўнг Китоб райони Қашқадарё областининг қишлоқ хўжалиги марказ бўлибгина қолмасдан, айни вақтда унинг йирик маданий ўчоғига ҳам айланади.

Район ишлаб чиқаришини тинмай ривожлантириш учун изланаётган район партия комитети, коммунистлар янгиликларнинг ташаббускорлари бўлиб чиқяптилар. Коммунистлар ишлаб чиқаришнинг энг масъулиятли участкаларида жонбозлик кўрсатиб, бошқаларга шахсий ибрат бўлмоқдалар.

Район партия комитети ўз навбатида коммунистларнинг активлигини, куч-ғайратини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга сафарбар этяпти. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллигини барча соҳаларда катта муваффақиятлар билан кутиб оладилар.

Т. ЧОРИЕВ,
Китоб район партия комитетининг биринчи секретари.

Л. С. АЛЕКСАНДРОВА

Ўзбекистоннинг медицина ва илмий жамоатчилиги оғир мусибатга учради: республиканинг етакчи педиатор олимларидан бири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор, Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти госпиталь педиатрияси кафедрасининг илмий консультанти Лидия Сергеевна Александрова узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 71 ёшида вафот этди.

Л. С. Александрова 1904 йилда туғилди. 1928 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг медицина факультетини тамомлаб чиққач, у медицина институти болалар касалликлари кафедрасининг ординатори, ассистенти, доценти, 1955 йилдан бошлаб эса шу кафедранинг профессори бўлиб ишлади. У узоқ йиллар давомида госпиталь педиатриясининг кафедра мудири бўлиб ишлади. У малакали педиатр врачларни ўқитиш ва тарбиялаш ишига, медицина фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. 14 нафар медицина фанлари кандидати тайёрлади.

Лидия Сергеевна кўп йиллар давомида буйрак, юрак-қон томирлари касалликларини ўрганиш ва болаларни овқатлантириш масалалари билан шуғулланиб келди. У 80 дан ортиқ илмий асарлар ва учта монография ёзди. Ватан Лидия Сергеевна Александрованинг хизматларига юксак баҳо берди: у Совет Иттифоқининг юксак ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Лидия Сергевна Александрованинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

СПОРТ

ФУТБОЛ. Мамлакатимизнинг ўтган йилги чемпионлари — «Арарат» (Ереван) футболчилари Европа чемпионлари турнири мусобақасини Норвегиянинг «Викинг» командаси билан бошлайдилар. Киев динамочиларининг кубок эгалари кубоги мусобақасидаги биринчи рақиби София армиячилари билан «Этар» (Турция) командалари учрашувида аниқланади. Бу йил Европа футбол уюшмалари иттифоқи (УЕФА) кубоги мусобақасида Совет Иттифоқидан Москванинг «Спартак» ва «Динамо» командалари иштирок этадилар. Спартакчилар Югославиянинг «Вележ» футболчилари билан, динамочилар эса «Оестерс» (Швеция) командаси билан куч синашадилар.

Командалар ўзаро икки мартадан учрашадилар. 18 сентябрда Киев ва Ереван футболчилари ўз майдонларида, Москва командалари эса сафарда мусобақалашадилар, такрорий учрашувлар 2 октябрда бўлади. Буларнинг ҳоммаси қитъа турнирларининг Цюрихда ўтказилган қуръа ташлаш маросимида узил-кесил ҳал бўлди.

САМБО. Львов шаҳрида ёшлар ўртасида мамлакат шахсий-командада биринчилиги учун беллашувлар бўлиб ўтди. Командалараро баҳс динамочилар фойдасига ҳал бўлди. Улар ғалабасига республикамиз самбочилари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Шахсий мусобақада тошкентлик В. Ким билан Т. Бадалов биринчи, Ж. Шаропатов билан А. Убайдуллаев эса иккинчи ўринни олдилар. Биринчиликда бухоролик Ғ. Останаев («Пахтакор») ҳам олтин медаль олишга муваффақ бўлди.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 12.05 — Гимнастика. 12.20 — Янгиликлар. 12.30 — Адабий ўқиш. 13.00 — Телеочерк. 13.30 — **Тайинланиш** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 14.35 — Янгра, баян! 15.10 — «Безаклар». 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.30 — «АХБОРОТ». 19.45 — Ўн минут музика. 19.55 — Янги шаҳарча қурилишида. 20.20 — Шеърият мухлисларига. 20.30 — «АХБОРОТ». 20.50 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 21.15 — Концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — ДЎСТЛИК ЭКРАНИ. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. 11.05 — **Уруш ва тинчлик** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 15.40 — МОСКВА. 15.45 — Телефильм. 16.10 — Шахмат мактаби. 16.40 — Польшанинг 30 йиллиги. 17.10 — **Тўрт танкчи ва ит** (бадиий фильмнинг 14-серияси). 18.10 — Янгиликлар. 18.20 — Болалар учун кўрсатув. 18.35 — СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар. 18.50 — Концерт. 19.20 — Телеочерк. 19.50 — **Тайинланиш** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 20.05 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — Театр ҳақида ҳикоялар. 23.45 — Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. 24.00 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Сурбет бола** (бадиий фильм). 20.15 — Эстрада концерти. 20.55 — **Қора ўлка садоси** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ ВИНОДА

Бинафша ранг анаконда — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Океан — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

27, 28 ИЮЛЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган кунининг 50 йиллиги олдидан

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ

ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ГУЛСАРА ЕҚУБОВА, ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА, ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, МАҲМУД МУҲАМЕДОВ;

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

КАРИМА УЗОҚОВА

Солистлар: Фаҳриддин УМАРОВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Урбугул СУЕРБОЕВА, Азиза ТУЛАГАНОВА, Шавкат МИРЗАЕВ;

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

ПРОГРАММАНИ Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҒУЛОМ ТОЖИАЪЛОЕВ ва ЗУҲРА ТЕМИРОВА олиб борадилар.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТУРАР-ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИ ТИПОВОЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЛОИҲАЛАШ ТОШКЕНТ ЗОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОИҲА ИНСТИТУТИ («ТашЗНИИЭП»)

1974 йил учун қуйидаги ихтисослар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Турар-жой ва жамоат бинолари архитектураси, шаҳарлар қурилиши, районларни планлаштириш ва қишлоқ хўжалигида аҳоли пунктларини планлаштириш, қурилиш конструкциялари (кундузги ва сиртқи);

иссиқлик билан таъминлаш, вентиляция ва ҳавони тозалаш (сиртқи);

қурилиш ишлаб чиқариш технологияси;

лойиҳалаш экономикаси (кундузги).

АРИЗАЛАР — 20 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Имтиҳонлар — 1 октябрда бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳар, «Главпочтамт» А—Я 108. Телефон: 460760.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1974-75 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларнинг I ва II курсларига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қуруқлик гидрологияси, метеорология, аэрология ва агрометеорология.

Техникумга ўқувчилар умумий асосларда қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Турққўрғон кўчаси, 45-уй. Телефон: 48-07-21 (8, 10, 14, 49, 56-автобуслар, 2, 7, 10-троллейбуслар, 10, 23-трамвайларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати).

ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

Кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8 ва 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар қабул қилинади.

ТЕХНИКУМ: самолётсозлик, металларни қирқиб ишлаш, инструментлар ишлаб чиқариш, саноат ускуналарининг монтажи ва ремонти, машинасозлик саноатида планлаштириш бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Қабул тартиби ҳамма техникумлар учун умумийдир.

ТЕХНИКУМ ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Стипендия умумий асосларда 30 сўмдан 45 сўмгача тўланади.

Техникум адреси: Тошкент, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Главнефтеснабсбит» ва нефть, химия ва газ саноати ходимларининг Республика касаба союз комитети Ўзбекистон ССР «Главнефтеснабсбит» бошлиғи Н. В. Баҳобовга онаси

Хосиятхон ХОЛДОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Средазстроймашавтоматизация» бошқармаси коллективи бошқарма бошлиғи С. М. Тоировга онаси

Саодат ТОИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНГИ ҚУРИЛМА

«Ўзбекхиммаш» заводида титат узелларни «иссиқ ҳолда» пайвандлаш жараёнларини олисдан бошқариш учун мўлжалланган қурилма ўрнатилди. Бу янгиликнинг жорий этилиши меҳнат шароитининг анча яхшиланишига ёрдам беради. Келгусида ишлаб чиқаришнинг бу участкаси тўла механизациялаштирилади.

ЛОЙИҲА ҚУВВАТИ ЭГАЛЛАНГАЧ

Қўқондаги хром чарм заводи буюртмачиларга ўз маҳсулотининг дастлабки туркумини жўнатди. КПСС XXIV съездининг Директиваларининг асосида қурилган бу корхона Фарғона, Тошкент, Янгийўл, Чирчиқ пойафзал фабрикаларини чарм билан таъминлайди. Корхона лойиҳа қувватига эришгандан кейин хром чарм ишлаб чиқариш қарийб икки баравар кўпаяди. Бу эса республика пойафзал фабрикаларининг хом ашёга бўлган талабини тўла қондириш имконини беради.

МУЗДАЙ СУВ

Тошкентдаги минерал сув заводи ёзнинг авжи ҳозирги палласида тўла қувват билан ишламоқда. Бу ерда ҳар куни пландан ташқари йигирма минг шиша минерал сув чиқарилмоқда. Завод ишчилари поток линияларни модернизациялаштирдилар, минерал сув сақланадиган идишлар ҳажмини оширдилар, янги музлатиш установкасини фойдаланишга топширдилар. Завод бу йил савдо шохобчаларига 36 миллион шиша минерал сув чиқаради. Бу — ўтган йилдагидан 3,5 миллион шиша кўпдир.

ҚАНОТЛИ ЁРДАМЧИЛАР

Фарғона областидаги кўпгина хўжаликлар пахта далалари «КА-26» вертолётлари ёрдамида химиявий дорилар билан ишланмоқда. Икки ўринли бу енгил машиналар ўзининг иш унуми жиҳатидан деҳқонларнинг «қанотли ёрдамчилари» —машҳур «АН-2» самолётларидан қолишмайди. Янги вертолётлар бир қанча афзалликларга эга: улар ҳар бир туп ғўзани қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлаш имконини беради ҳамда далалар устида жуда енгил учади.

ЖИЗЗАХ — ФАРҒОНА ҲАВО ЙЎЛИ

Яқинда граждан авиацияси самолётларининг яна бир ҳаво трассаси — Жиззах — Фарғона ҳаво линияси ишга тушди. Натижада Андижон, Қўқон ва Наманган шаҳарлари йўловчилари учун катта қулайлик яратилди.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди.

Абдулла Қодирий. МЕҲРОБДАН ЧАЁН. Ҳудоёрхон ва муншийлар ҳаётидан тарихий роман. (Олтинчи нашри). 256 бет, тиражи 15.000, баҳоси 57 тийин.

Мақсуд Шайхзода. Асарлар. Олти томликнинг олтинчи томи. ПУБЛИЦИСТИКА, ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН ШЕЪРЛАР ВА ТАРЖИМАЛАР. Нашрга тайёрловчи М. Зокиров. 232 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм.

Лазиз Қаюмов. ҚАРДОШЛАР. Мақолалар тўплами. 200 бет, тиражи 5000, баҳоси 67 тийин.

Авторлар коллективи. ЗИЕЛИЛАР. Очерклар тўплами. Тўпловчи С. Анорбоев. 202 бет. Тиражи 15.000, баҳоси 46 тийин.

Шукур Холмирзаев. ҲАЁТ АБАДИЙ. Ҳикоялар. 160 бет, тиражи 15.000, баҳоси 37 тийин.

Тавфиқ Ал-Ҳаким. ТУҒЁН. Роман. Ҳ. Ниёзов таржимаси. 299 бет, тиражи 60.000, баҳоси 94 тийин.

Сергей Михалков. МАСАЛЛАР. Мухтор Худойқулов таржимаси. 72 бет, тиражи 10.000, баҳоси 25 тийин.

Мамарасул Бобоев. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. Шеърлар. Икки томликнинг биринчи томи, 312 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 38 тийин.

Абдуқодир Ҳайитметов. ҲАЁТБАХШ ЧАШМА. Мақолалар тўплами. 165 бет, тиражи 5.000, баҳоси 39 тийин.

Ҳайриддин Салоҳ. ИЗЛАР ВА ҲИСЛАР. Шеърлар, балладалар ва достонлар. 176 бет, тиражи 10.000, баҳоси 72 тийин.

Эгам Раҳим. НУР ДАРЕСИ. Шеърлар, балладалар, 96 бет, тиражи 10.000, баҳоси 33 тийин.

ХОРАЗМ ВАЛЬСИ

Халқ талантларининг Хоразм область телевизиони кўригида «Машъал» ашула ва рақс ансамбли ғолиб чиқди. Бу Янгиариқ район маданият уйининг қишлоқ ҳаваскорлар коллективи Хоразмнинг ўзига хос хореографик санъатини тўплаб, асраб келмоқда.

Ансамблни Хоразм рақосаси ва балетмейстери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зайнура Юсуповна Ғаффорова тузган. Оғаҳий номли область музикали драма театрида ўттиз йил ишлади. Бироқ Зайнура Юсуповнанинг санъат йўли бундан ҳам аввалроқ — 1942 йилда бошланганди. Ўша пайтларда Ленинград хореография билим юртининг талабаси фронтга борадиган концерт бригадаси составига киритилган эди.

З. Ю. Ғаффорова бундан икки йил муқаддам пенсияга чиқди. Рақслар ижрочиси, халқ санъатини тўпловчи бу аёл Урганч музика билим юрти ҳузурида хореография бўлимини тузишга киришди. Бултур кузак да шу бўлимнинг студентлари пахта йиғим-терими даврида дала шийпонларида концерт кўйиб бергандларида артист аёл олдига қолхозчи қиз-жувондар келишди. Шундай қилиб тез орада район маданият уйида Хоразм рақси мактаби очилди. Қисқа вақт ичида тез шуҳрат қозонган ансамбль мана шу тарзда вужудга келди.

Ҳаваскор артистлар ижро этган рақсларнинг кўпчилиги асрлар давомида яшабгина қолмай, энди иккинчи ҳаёт касб этди. Уларнинг ўзига хос гўзал муқомлари, бармоқларга тақиладиган кўнғироқчалар овози қайроқтошларнинг садоси билан жўр бўлиб, кишини ҳайратга солади.

З. Ю. Ғаффорова халқ яратган меросдан ҳали фойдаланилмаган имкониятларни қидириб, уни бугунги куннинг нафаси билан тўлдиради. У яратган рақсларда қачонлардир шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб дайдиб юрган масҳарабоз артист ва бизнинг замондошимиз — механизатор қиз яшайди. Пахта миришкорларини олқишлайдиган — «Олтин қўллар», «Чўпон байрами» ва халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган бошқа хореографик лавҳа ва рақслар бизнинг замондошимиз ҳақида ҳикоя қилади.

. . . «Хоразм вальси» янграйди. Бу халқ санъати билан ва бугунги куннинг таронаси билан тўқилган рақс — қўшиқдир. Вальс жонажон ўлкага бўлган меҳр-муҳаббат ҳақида, жаҳондаги энг қадимий воҳалардан бири бўлган Хоразмнинг гуллаб-яшнаши ҳақидадир.

Ф. КОСТЮШКИН.
(ЎзТАГ мухбири).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 ва 330258 гача

Р. 01684. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. 174.